

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШДА “РАҚАМЛИ ЭКСПЕРТ- КРИМИНАЛИСТИКА”НИНГ АҲАМИЯТИ

**Рахматуллаев Шохжон Шухрат ўғли**

*Ички ишлар вазирлиги Академияси Зўқув курси курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада хозирги қунда ривожланиб бораётган рақамли технологиялар ёрдамида содир этилаётган жиноятларни аниқлашда рақамли эксперт-криминалистиканинг аҳамияти, шунингдек ушбу жиноятлар билан боғлиқ ходиса жойларини кўздан кечиришда экспертнинг аҳамият бериши керак бўлган холатлар, рақамли далиллар, уларни сақлаш, олиш, ташиб, рақамли далиллар тадқиқотида эътибор берилиши керак бўлган холатлар хақида қисқача баён этилган.

**Калит сўзлар:** Рақамли технология, рақамли экспертиза, рақамли далил, сақлаш, транспортировка, далилларни баҳолаш.

**Anntation:** In this article, the importance of digital expert-criminology in the detection of crimes committed with the help of digital technologies, which are developing today, as well as the situations that the expert should pay attention to when examining the scene of these crimes, digital evidence, their storage, acquisition, transportation, and digital evidence research will be given attention. brief description of necessary situations.

**Keywords:** Digital technology, digital forensics, digital evidence, preservation, transportation, evidence evaluation.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается значение цифровой экспертизы-криминастики в раскрытии преступлений, совершенных с помощью цифровых технологий, которые развиваются сегодня, а также ситуации, на которые следует обратить внимание эксперту при осмотре места этих преступлений, цифровых технологий. Будетделено внимание краткому описанию необходимых ситуаций, их хранению, приобретению, транспортировке и исследованию цифровых доказательств.

**Ключевые слова:** цифровые технологии, цифровая криминастика, цифровые доказательства, сохранение, транспортировка, оценка доказательств.

Глобаллашув ва рақамлаштириш дунё ҳамжамияти иқтисодиёти ва илмфани учун ривожлантирувчи восита бўлибгина қолмай, балки жиноятларни, жумладан, кибермакондаги жиноятларни, содир этиш бўйича замонавий механизmlарни ривожлантириш учун имконият яратмоқда.

Олимларнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли маконда жиноятлар кўлами тобора ошиб, кибертаҳдидлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда, хуқуқбузарлар компьютер технологиялари

ёрдамида турли хил жиноятларни (фишинг, спам тарқатиш, компьютер маълумотларига ноқонуний (рухсатсиз) кириш, компьютер саботажи, дипфейк ва бошқалар) ҳам бошқа оғир жиноятларни (ноқонуний даромадларни легаллаштириш, гиёҳванд моддалар савдоси, одам савдоси, қуроллар савдоси ва бошқалар) ҳам содир этилаётганликлари кузатилмоқда.

Рақамли технологияларни кириб келиши бир томондан криминалистик аҳамиятга эга бўлган янги ахборотларни юзага келишига, иккинчи томондан эса рақамли ахборотларни қайд қилиш, сақлаш, автоматлашган шаклда қайта ишлаш ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ фаолиятни кенгайишига сабаб бўймоқда. Хусусан, тергов ва суд амалиётида ўтказилаётган аксарият экспертиза тадқиқотларида рақамли технологиилар ёрдамидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолатлар рақамли технологииларни суд экспертиза фаолиятига тобора кенг кириб боришига ҳамда тадқиқотларнинг илмий-техник базасини ривожланишига имкон бермоқда.

Бу эса рақамли технологиялар ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши кураш ва ҳар қандай жиноятни тергов қилишда электрон далилларни тўплашда тобора долзарб иш бўлиб бораётгани кўрсатмоқда десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хам юксак билим ва амалий кўнинмаларга эга бўлишлари кераклигини белгилаб беради. Шу муносабат билан бугунги кунда миллий ва трансмиллий даражадаги рақамли технологиилар ёрдамида содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва электрон далилларни тўплаш бўйича хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳар томонлама билим ва амалий кўнинмаларини ривожлантиришга қаратилган ушбу ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда ва ходимларнинг рақамли технологиилар соҳаси бўйича билимларини оширишга қаратилган давра сухбатлари, учрашувлар, халқаро конференсиялар ўтказилмоқда. Шунингдек рафамли технологиилар орқали содир этилган жиноятлар эксперт-криминалистика ходимларига хам бир қанча муаммолар хусусан рақамли технологиилар орқали жиноят содир этилган жойни кўздан кечиришда, жиноятга оид ашёвий далилларни тўплашда, олишда ўзига хос мураккабликлар яратди.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, 2020 йил 2 мартағи ПҚ 5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури рақамли эксперт-криминалистиканинг ривожланишига замин яратди. Хозирки кунда хам рақамли эксперт-криминалистика фаолияти бўйича мутахасисларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Рақамли технологиилар ёрдамида содир этилаётган жиноятлар хақида сўз юритадиган бўлсак Интернет билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш бўйича

халқаро Symatec Security ташкилотининг маълумотлари бўйича хар сонияда дунёдаги 12 инсондан биттаси интернет хужуми қурбони бўлмоқда ва хар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужумлар бўлади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар 100 млрд. АҚШ долларига тўғри келмоқда экан. Бу кўрсатгичлар ахборот тизими ривожланишда давом этганидек йилдан йилга ошиб бормоқда. Жиноятлар содир этиш кўлами хам кенгайиб, янги турлари пайдо бўлмоқда. бу хам ўз навбатида рақамли қriminалистиканинг ривожланишини талаб этади.

Рақамли эксперт-криминалистикани мен -компьютер технологиялари орқали содир этилган шахсларга, жамиятга, фуқароларнинг тинчлик ва осойишталигини бузишга, шунингдек ўзгалар мулкига қарши қаратилган хатти-харакатларни содир этишга қаратилган хуқуқбузарликларни аниқлашга имкон яратадиган кriminалистик техник билимлар мажмуи деб тушунаман.

Хозирда эксперт амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, рақамли экспертизага тақдим қилинадиган далилларнинг умумий рўйхатидаги энг катта улуши шахсий компьютерлар ва ҳар хил турдаги маълумотларни сақлаш мосламалари алоҳида ёки бошқа қурилмаларнинг бир қисми сифатида – видеорегистраторлар, рақамли камералар, MP3-плеерлар ва бошқа мобил телефонлар ва смартфонларга тўғри келмоқда. Шуниси эътиборлики, хозирда юқорида кўрсатилган жиноятларнинг содир этилишида компьютер техникаси асосий обьект ва жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Ушбу жиноятларни очишда рақамли далиллар мухим ўрин эгаллайди. Рақамли далиллар моддий (анъанавий) далилларга нисбатан анча кенг қамровга эга. Улар сезувчанлик ва ҳаракатчанлик хусусиятларига эга бўлиб, тўплаш, текшириш, сақлаш ва баҳолаш жараёнлари маҳсус тайёргарлик ва воситаларни талаб этади. Рақамли далил тушунчаси дастлаб жуда тор аҳамиятга эга бўлган. Рақамли экспертиза обьекти сифатида дастлаб фақат электрон ҳисоблаш машинаси компьютер тадқиқ этилган. Бироқ рақамли экспертиза тарихининг олтин даври охири – 2008 йилдан бошлаб рақамли қурилмалар турининг кўпайиши кузатила бошланди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 15 тадан ортиб кетди. Рақамли далиллар тушунчасига инсон томонидан қолдирилган рақамли излар тушунилган. Бугунги кунга келиб эса рақамли далиллар сирасига фақатгина инсон омили натижасида юзага келган ахборот эмас, балки рақамли қурилмалар ва дастурларнинг ишлаш механизми натижасида қоладиган излари ҳам киритилмоқда. Рақамли далилларнинг яхши олиниши, сақланиши бўйича, шунингдек уларнинг тадқиқоти бўйича эксперт масул хисобланади. Эксперт ўзига юклатилган рақамли далилларга таалуқли барча жараёнлар рақамли далилларни тўплаш, текшириш, хужжатлаштириш ва сақлаш учун жавобгардир. Шунинг боис, у ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида далилларнинг қандай топилгани, олингани, уларни олишда қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида рўй берган ўзгаришлар

бўйича қонунни қўлловчига (терговчи, прокурор, суд) тушунтиришлар беради. Рақамли экспертиза тадқиқотларига қўйилган талаблар борасида ривожланган хорижий давлатлар, хусусан АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Норвегия, Швеция тажрибаси ҳамда халқаро стандартлар таҳлил этилди. Тадқиқот натижалари юқорида кўрсатилган талаблар ушбу давлатлар қонунчилиги ва халқаро стандартларда ҳам белгиланган. Рақамли далиллар суд тергов амалётида уларни баҳолаш ҳам ўзига хос ахамият касб этади. Рақамли далиллар бўйича эксперт хulosаси содда ва тушунарли шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ. Тергов ёки экспертиза натижалари судда иштирок этаётган барча томонлар учун объектив шаклда тавсифланиши зарур. Суд муҳокамасида мутахассиснинг иштироки исботлаш жараёни муваффақиятини таъминлайди.

Рақамли далиларни баҳолаш мезонлари процесуал, техник ва аҳлоқий талабларни қамраб олади. Процесуал талаблар-рақамли далилларни тўплаш, текшириш, сақлаш ва транспортировка қилишнинг қонун билан тартибга солинган меъёрларидир.

Техник талаблар рақамли далилларни тўплаш, сақлаш ва текширишнинг илмий асосланган, самарали методлари ва воситаларидан фойдаланилганлиги, рақамли далилларнинг мақбуллиги таъминланганлиги, эксперт кўрсатувлари ва хулосаларини қайта такрорлаш орқали бир хил қийматга эришиш имкониятининг (хеш функция), экспертнинг кўрилаётган иш бўйича тегишли малака сертификатига эга эканлиги, экспертиза муассасаси тадқиқот воситаларининг белгиланган тартибда аккредитациядан ўтганлиги ва шу билан боғлиқ бошқа талабларни қамраб олади.

Аҳлоқий талаблар экспертиза тадқиқоти жараёнида ишга алоқадор шахсий маълумотлар билан ишлашнинг этикет қоидаларига риоя қилинганлигини кўрсатувчи талаблардир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак рақамли эксперт-криминалистика мураккаб жараёнларни қамраб оловчи соҳа бўлиб суд-тергов жараёнида рақамли технологиялар билан боғлиқ жиноятларни очишда мухим ахамият касб этувчи соҳа десак муболаға бўлмайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБЁТЛАР:

1. [www.google.com](http://www.google.com) (бутун жаҳон қидирув тизими)
2. [Ede.uz](http://Ede.uz) (миллий таълим интернет портал)
3. <https://uz.wikipedia.org> (қидирув ресурслар базаси)